### Профессор Марк Катц:

# ЕТТБ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИГА ИШОНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

**— Жаноб профессор, Сиз иқтисодий масалаларга эътибор қаратдингиз. Айтинг-чи, республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг янада жадал ривожланиши бугунги кунда нималарга боғлиқ?**

— Ўзбекистон ҳам, собиқ Иттифоқнинг бошқа мамлакатлари ҳам дунёда ўз иқтисодиётига йўл очиш учун қатъий ҳаракат қилишлари лозим. Бу осон иш эмас, лекин уни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ушбу ислоҳотлар амалга оширилмаса, Ғарбнинг йирик инвестициялари республикангиз иқтисодиётига кириб келиши қийин. Ислоҳотларнинг келажакдаги ривожланишини Ғарб кредиторлари ва инвесторларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Булар ўзаро чамбарчас боғлиқ. Албатта, республикангизда ислоҳотларнинг қонуний асосларини яратиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилаяпти, ушбу йўналишда давлат миқёсида қатор қонунлар қабул қилинаяпти. Лекин булар ҳозирча етарли эмасга ўхшаб турибди. Бу масалада йирик ғарбий инвесторлар, хусусан, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё Тараққиёт банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки мамлакатингизнинг ривожланишида муайян роль ўйнаши мумкин.

**— Жаноб профессор, айнан шу масала ҳозир кўпчилик ўзбекистонликларни қизиқтирмоқда. Маълумки, яқинда Тошкентда ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик йиғилиши бўлиб ўтади. Сиз қисқача қилиб ЕТТБ фаолиятига баҳо беролмайсизми? Ушбу ташкилот, ҳақиқатан ҳам катта обрўга эгами?**

—Мухтасар қилиб айтганда, ЕТТБ 1991 йилда, Марказий ва Шарқий Европада коммунистик тизим парчаланиб, собиқ Совет блокига кирувчи давлатлар демократия шароитида хусусий секторни ривожлантиришда кўмакка муҳтож бўлиб турган бир пайтда ташкил қилинган. Бугун бозор иқтисодиётини ва демократияни ривожлантириш мақсадида ЕТТБнинг инвестицион дастурларидан Марказий Европадан Марказий Осиёгача жойлашган 27 давлат фойдаланмоқда. ЕТТБ – минтақадаги энг йирик инвестор. У ўз маблағларидан ташқари тўғридан-тўғри каттагина ҳажмда хорижий инвестицияларни ҳам ўзига жалб қилади. ЕТТБнинг қанчалик обрўга эга эканлигини унга 60 та давлат ва иккита халқаро ташкилот аъзолигидан ҳам билса бўлади. Гарчи унинг акциядорлари давлатлар вакиллари бўлса-да, ЕТТБ капиталини одатда ўз тижоратчи ҳамкорлари иштирокида асосан хусусий корхоналарга жалб қилади. У банклар, корхона ва компанияларни молиявий лойиҳалаштиришни амалга оширади. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган фирмаларга ҳам маблағ киритади. ЕТТБ хусусийлаштириш жараёнини қўллаб-қувватлаш ва уларни тузилмавий қайта ташкил қилиш ҳамда коммунал хўжалигини такомиллаштириш мақсадида давлат компаниялари билан ҳамкорликда иш олиб боради. ЕТТБ низомида у фақат демократия тамойилларига содиқ мамлакатлардагина фаолият олиб бориши қайд этилган. У саккиз юздан зиёд йирик лойиҳага 20 миллиард евро миқдорида сармоя киритди. Кичик лойиҳалар эса амалда молиявий воситачилар жалб қилинган ҳолда кредитлаштирилади.

Кўриб турганингиздек, ЕТТБнинг ривожланаётган давлатларни қўллаб-қувватлашдаги роли тобора ўсиб бормоқда.

**— Сизнингча, биз бугун ЕТТБ билан ўзаро ҳамкорликда қандай жиҳатларга эътибор қаратишимиз лозим?**

— Ўзбекистон ҳукумати Орол денгизи инқирозини миллий хавфсизлик муаммоси, деб эълон қилиб тўғри йўл тутди. Мамлакат ҳукуматига бошқа Марказий Осиё давлатлари кўмаклашганида ҳам, ушбу муаммо ечим топмаслиги мумкин. Ушбу экологик муаммони бартараф этиш учун кенг кўламли халқаро ёрдам зарур. Агар ЕТТБ ушбу масала билан шуғулланса, нур устига аъло нур бўларди. Ўшанда Ўзбекистон олдида турган қатор муаммолар ҳал этиларди. Яъни Орол муаммоси бартараф этилгандан сўнг қишлоқ хўжалиги жадал ривожланиш босқичига ўтади. Минтақанинг экологик ҳолати яхшиланиши қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширади. Бу эса бутун иқтисодиётга фойда келтиради. Бундан ташқари, сизлар кичик ва ўрта бизнесни, банк тизимини ривожлантириш, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг алоҳида ўрин тутувчи масалаларини ечишда ва молиявий қўллаб-қувватлаш, валютани конвертация қилиш ва бошқа соҳаларда ЕТТБнинг имкониятларидан фойдаланишингиз лозим. Шу кунгача банкнинг Ўзбекистондаги бир неча йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлагани эътирофга сазовор. ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик йиғилиши Тошкентда ўтказилиши катта тарихий воқеа. У албатта республикангизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ижобий таъсир кўрсатади.

**— Маълумотларга кўра, ЕТТБ ўзининг шундай йирик Форумини Осиё минтақасида биринчи бор ўтказмоқда. Сизнингча, нима учун бунга айнан Ўзбекистон танланди?**

— ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгаши йиллик йиғилишининг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг Ғарб учун муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Менимча, ғарблик молиячилар, агар бу ердаги вазият яхши бўлмаса, Ғарб ҳам бундан зарар кўриши мумкин, деган мантиқдан келиб чиқишган бўлса керак. Лекин мана шундай жуда йирик ва обрўли банк йиғилишининг Тошкентда ўтказилиши ЕТТБ Ўзбекистоннинг келажагига ишонч билан қараётганидан далолатдир. Чунки шундай бўлмаганда, йиғилиш бу ерда ўтказилмаган бўлар эди. Бундан ташқари, ЕТТБ президенти Жан Лемьернинг 2002 йил охирида Тошкентга ташрифи ҳам мамлакатингизнинг ЕТТБ учун муҳимлигини исботлаб турибди. Форум қатнашчилари Ўзбекистонни ўз кўзлари билан кўриб, унинг салоҳиятига ишонч ҳосил қиладилар. Фикримча, шундан сўнг уларда янги ғоялар туғилиши шубҳасиздир.

**Мавлон ЙЎЛДОШЕВ.**
**Тошкент-Виржиния.**

# АВТОМОБИЛЬ ОЙНАЛАРИ ФАРҒОНАДА ТАЙЁРЛАНАЯПТИ

*Баҳор бетакрор сепини ёйган кезлар Фарғонадаги «Автоойна» акциядорлик жамияти конвейеридан «Нексия» автомобиллари пешойналарининг тажриба нусхаси ишлаб чиқарилди. Шу муносабат билан шаҳардаги собиқ 2-уйсозлик комбинатининг ишлаб чиқариш биноси ўрнида ташкил топган янги корхонада чинакам байрам бўлди. Фарғоналиклар бу тантанага беш йил ҳозирлик кўришди...*

Мамлакатимиз тобора жаҳон автомобилсозлиги саноати сафига қўшилиб бораяпти. Бугунги кунда Асакадаги машҳур мажмуада тайёрланаётган «Нексия», «Дамас», «Тико», «Матиз» автомобилларини дунёнинг деярли барча мамлакатларида яхши билишади. Бироқ уларга ҳам безак, ҳам ҳимоя воситасини ўтовчи ойналар ҳануз чет мамлакатлардан олиб келинарди. Агар «Нексия» машиналарининг ойналари Ҳиндистондан, «Дамас», «Тико»ларники Жанубий Кореядан келтирилишини эсласангиз, нақадар катта миқдорда маблағ сарфланиши кўз олдингизда яққол намоён бўлади.

Фарғона вилоятини ҳақли равишда мамлакатимиз автомобиль саноатига бутловчи қисмлар етказиб берувчи етакчи минтақалардан бирига айланди, дейиш мумкин. Биргина Қўқондаги машинасозлик корхоналарида асакалик машинасозлар буюртмаси билан ўттизга яқин бутловчи қисмлар тайёрланаяпти. Фарғона механика корхонасида эса, мана, икки йилдирки, автомобиллар ғилдираклари учун дисклар ишлаб чиқарилмоқда. Энди уларнинг сафига «Автоойна» ҳиссадорлик жамияти ҳам қўшилди.

— Автоойналарни тайёрлаш, айниқса, уни олис жойлардан олиб келиш анча қийин ва мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам автомобилсозлик саноати ривожланган мамлакатларда автоойналар асосан машиналар йиғиладиган корхоналар яқинида бунёд этилади, — дейди жамият бош директори Тўлқин Қурбонов. — Корхонани бунёд этишда республика ҳукумати қуйидаги тамойилларга риоя қилди: биринчидан, Асака Фарғонадан унчалик узоқ эмас. Иккинчидан, хомашё ҳам шундоққина — ёнимизда — Қувасойдаги «Кварц» ҳиссадорлик жамиятида тайёрланади.

Корхонани тўла қувват билан ишга тушириш учун 35 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ишлатилиши кўзда тутилаяпти. Ҳозирга қадар 28,6 миллион сўми ўзлаштирилди. Бу маблағнинг 19,2 миллион сўми чет эллик инвестор — Италиянинг дунёга машҳур «Национал де-Леворе» банки томонидан корхонага асосий ишлаб чиқариш ускуналари ва линияларини етказиб берган Италиянинг «Текинт» фирмаси ҳамкорлигида олинган кредитдир. Мамлакатимиз ҳукумати ҳамда тижорат банклари томонидан ҳам салкам 9 миллион доллар миқдоридаги маблағ асбоб-ускуналар, замонавий линиялар сотиб олишга сарфланди. Бундан ташқари, бевосита мамлакатимиз ҳукуматининг кўмаги билан корхонани қайта жиҳозлаш ва қуриш ишларига 3 миллиард сўмга яқин маблағ ишлатилди.

Хўш, сарфланган ушбу маблағлар неча йилда қопланиши

### Иқтисодиётимиз устунлари

мумкин? Ҳар йили Асакадаги корхона биргина автоойналар сотиб олишга 5 миллион долларга яқин валюта харжлар экан. Агар у тўла қувват билан ишласа, 26 хилдаги 200 минг дона автомобиль ойналарини тайёрлаш имконига эга бўлади. Дастлабки ҳисоб-китоблар сарф этилган маблағ тўрт йилда тўла қопланиб, корхона рентабелликка эришишини кўрсатиб турибди.

Янги корхонадаги барча ишлар автоматлаштирилган. Қувасойдан олиб келинган ойналарни туширишдан тортиб, то маҳсулот тайёр бўлиб буюртмачиларга етказиб берилгунга қадар барча жараёнлар автомат усулда бошқарилади. Корхонанинг бош тижоратчи-шериги — Италиянинг «Текинт» компанияси тобланган ойналарни тайёрлаш бўйича дунёга машҳур бўлса, Буюк Британиянинг «Пилкинтон» концерни ойналарни ломинацияловчи, яъни плёнка ёпиштириб, уларнинг пишиқ-пухталигини, ҳар қандай урилиш жараёнида ҳам сочилиб кетмаслигини таъминловчи ускуналар етказиб берди. Швейцариянинг «Бистроник» фирмасидан олиб келинган асбоб-ускуналар эса ойналарни ҳар қандай шакл ва йўналишда кесиш қувватига эга.

— Фарғоналик ҳамкасблар билан тезда тил топишиб олдик, — дейди «Пилкинтон» фирмаси вакили жаноб Вафгане Кренс. — Айниқса, ёш мутахассисларнинг бу касбга интилишлари, иштиёқлари менда яхши таассурот қолдирди. Дастлаб мураккаб асбоб-ускуналарни чет эллик мутахассислар монтаж қилишини режалаштиргандик. Кейин билсак, фарғоналик мутахассислар ҳам бу борада хорижликлардан қолишмас эканлар. Улар энг қийин жараёнларни такомилга келтириб бажаришди. Шу туфайли ҳам синов тариқасида ишлаб чиқарилган дастлабки маҳсулотларда деярли қусур йўқ. Қувасойдаги «Кварц» ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган ойналар ҳам жуда маъқул. Уларни бемалол концернимизнинг Европадаги корхоналарида ҳам ишлатиш мумкин.

Корхонада синов-тажриба ишлари давом этаяпти. Яна иккиуч ойдан сўнг мунтазам равишда маҳсулот ишлаб чиқарила бошлайди. Бу йил асакалик автомобилсозлар корхона билан 6 минг комплект автоойна етказиб бериш юзасидан шартнома тузишган. Бинобарин, келгусида «Нексия», «Дамас», «Тико»лар учун автоойналар олис мамлакатлардан ташиб келтирилмайди. Айни пайтда корхона мутахассислари Ҳиндистондаги фирма билан «Матиз» автомобиллари учун ойналар тайёрлаш юзасидан музокаралар олиб боришаяпти.

Корхонада дастлабки тажриба нусхасидаги маҳсулот ишлаб чиқарилгани ҳақидаги хушхабар автомобилсозлар орасида баҳорги чақмоқдай тез тарқалди. Бу ерга яқинда Россия «Автоваз» концернига автоойналар тайёрлаб берувчи Борск корхонасининг бир гуруҳ мутахассислари ташриф буюришди. Янги корхона билан ҳамкорликда «ВАЗ» автомашиналари учун ҳам ойналар етказиб бериш юзасидан келишиб олинди. Россиялик автомобилсозлар йилига 100 минг комплект автоойналарга эҳтиёж борлигини, агар имконият бўлса, бу маҳсулотни айнан фарғоналиклардан харид қилиш ниятида эканликларини билдиришди.

Корхона мутахассислари, шунингдек, Самарқанддаги «СамКочавто» корхонасидан ҳаётга йўлланма олаётган автобуслар учун қабариқ ойналар тайёрлаш йўлларини қидиришаяпти. Бу орзу рўёбга чиқса, Самарқандга Туркиядан автоойналар олиб келишга деярли ҳожат қолмайди.

Корхона тўла қувват билан ишга тушгач, фарғоналик 400 дан зиёд мутахассис ёшлар иш билан таъминланади. Бугун унда меҳнат қилаётганларнинг аксарияти эса автоойнасоз деган янги касбни жуда яхши ўзлаштириб олишди.

Фарғоналик ёшлар аждодлари дунё ойнасозлигига асос солганлар сафидан эканлигини, ойна тайёрлаш Шарқда пайдо бўлганини амалда исботлашаяпти.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Мадина»нинг чевар қизлари



*Мадина Ҳожиева бу йил 18 ёшга тўлди. Лекин унинг номини бугун бутун Қизилтепа туманида билишади. Чунки ана шу чевар қиз «Ташаббус-2003» кўрик-танлови Навоий вилояти босқичининг «Энг ёш тадбиркор» номинацияси бўйича ғолиби, «Мадина» тикувчилик-зардўзлик корхонасининг раҳбаридир. Корхонада эса эркак ва аёллар тўни, халат, кўйлак, сўзана, ёстиқ жилдлари, дастурхон каби 24 турдаги халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилмоқда.*



*— Мен тикувчилик ва зардўзлик ҳунарларини онам Манзура Алимовадан ўрганганман, — дейди Мадина. — Энди эса 10 нафардан зиёд тенгқурларим мени устоз деб аташади. Қувончлиси, уларнинг ҳаммаси шу корхонада ишламоқда.*

***СУРАТЛАРДА: Мадина Ҳожиева; «Мадина»нинг чевар қизлари.***

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

### Ўсмир ва қонун

*Биз демократик тамойилларга асосланган ҳуқуқий давлат қураяпмиз. Бугунги кунда мамлакатимизда қонун устиворлигини қанчалик таъминлай олишимиз жамият тараққиётини белгилайди. Айниқса, биз, катталар қонунлардан келиб чиқиб иш юритсак, фарзандларимиз ҳам ўрнак олиб ортимиздан эргашади, шунга амал қилишга одатланади. Ёшларнинг қонунларга бўлган ишончини ошириш ҳуқуқий тарбиянинг муҳим бир бўлаги ҳисобланади.*

# Прокурор муаллим ўрнида

Сирдарё вилоят прокуратураси вояга етмаган ёшлар билан ишлаш, улар ўртасида қонунчиликни таъминлаш юзасидан изчил иш олиб бормоқда. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш прокуратура ходимларининг доимий диққат-эътиборида. Хусусан, ўтган йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олишда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, коллеж талабалари деҳқонларга яқиндан кўмаклашган эди. Албатта, бунда терган пахтасига яраша белгиланган нархда ҳақ тўланиши ишни ташкил этишнинг биринчи шартидир.

—Мавсумдан сўнг ўтказилган текширишлар жараёнида айрим туманларда Вазирлар Маҳкамасининг «2002 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари бузилганлиги аниқланди, — дейди вилоят прокурори катта ёрдамчиси Б. Аҳмедов. — Йиғим-терим давомида ўқувчи-талабаларга 137 миллион 255 минг 389 сўмлик иш ҳақи вақтида тўланмаган. Бу ўринда айбни ширкат ёки фермер хўжаликларига ағдариш адолатдан бўлмайди. Чунки пахта тозалаш корхоналари хўжаликларга маблағни ўз вақтида ўтказиб бермаган. Иккинчидан, муаммонинг келиб чиқишида бош сабабчи — вилоят «Пахтасаноат» акционерлик бирлашмаси раҳбарияти қабул қилиб олинган хомашёнинг молиялаштирилишини пайсалга солиб келган.

Энг ачинарлиси, Оқолтин туманидаги «Достон» фермер хўжалиги раҳбари Йигитали Шокировнинг Оқолтин агроиқтисодиёт коллежи талабаларига терган пахтаси учун тўланиши керак бўлган 212 минг сўмни имзоларни қалбакилаштириш йўли билан ўзлаштирганлигидир. Бу ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилди. Фермер бу қилмиши учун қонун олдида жавоб беради. Лекин кишини бошқа бир ҳолат ўйлантиради. Ўқувчи-ёшлар меҳнатига яраша ҳақини вақтида олмагач, бу улардаги ишга бўлган муносабатга, қонунларимизга нисбатан ишончга путур етказмайдими?

Ўтказилган текширишлар сўнгида, прокуратура томонидан учта тақдимнома киритилиб, 29 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди, 25 шахсга нисбатан маъмурий, яна бир кишига нисбатан эса жиноий иш қўзғатилди.

Энг муҳими, амалга оширилган ишлар натижасида терилган пахта пулининг 28 миллион 775 минг 65 сўми ундириб берилди. Яна 104 миллион 980 минг 103 сўмни ундириш юзасидан эса даъво аризалари киритилди.

Донолар болани ниҳолга ўхшатади. Бу бежиз эмас, негаки, дарахт кўчати қандай парвариш қилинса, шундай ўсади, камол топади. Шу нуқтаи назардан қараганда фарзандларимизга мактаб давридаёқ нафақат илм ва тарбия олишини, балки ҳуқуқий саводхонлигини ошириб боришни ҳам эътибордан, назардан четда қолдирмаслигимиз лозим. Шунда келажагимиз ворисларининг етук инсонлар сифатида вояга етишида ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Бунда, айниқса, «Давлат ва ҳуқуқ» фанининг ўрни катта. Лекин тан олиш керак, аксарият мактабларда бу фанни ўқитишда мутахассис ўқитувчилар етишмайди. Шуни инобатга олиб, вилоят прокуратураси бу фанни ўқитиш савиясини яхшилаш ташаббуси билан чиқди. Хусусан, ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчиларига шу фандан прокуратура ходимлари дарс ўта бошлади. Айни пайтда ҳуқуқий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ҳам уюштирилаяпти. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоят прокуратураси Гулистон шаҳридаги 11-ўрта мактабда ҳуқуқшунослик йўналишида махсус синф ташкил этган. Унда ўқувчиларга ҳуқуқшунослик фанидан кенгайтирилган дастур асосида машғулотлар ўтилмоқда.

Бундай хайрли ишлар ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши, адолатли демократик жамият қуришдек эзгу мақсадларимизга ишончнинг ошиши ва мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиши турган гап.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг таклифига биноан Жанубий Корея божхона хизмати комиссари жаноб Ким Йонг Дук раҳбарлигидаги делегация икки кун давомида мамлакатимизда бўлди.**

# Ҳамкорлик истиқболлари

**Икки давлат божхона хизмати вакиллари ўртасида бўлиб ўтган учрашув ва мулоқотлар давомида божхона иши соҳасидаги ўзаро муносабатлар ва уларнинг истиқболи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Учрашувда гиёҳванд моддалар ва психотроп воситаларнинг ғайриқонуний тарзда тарқалиши ҳамда тақиқланган маҳсулотлар контрабандасига қарши кураш каби долзарб йўналишлар атрофлича муҳокама қилинди.**

**Жанубий Корея Республикаси божхона хизматининг комиссари суҳбат жараёнида ҳозирги кунда давлатларимиз божхона тизимлари ўртасида ривожланиб бораётган амалий алоқалар ўзининг ижобий самарасини бераётганлигини таъкидлади. Меҳмонлар ташриф давомида Ўзбекистон давлат божхона қўмитасига қарашли миллий кинология марказининг фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар. Ташриф якунида Ўзбекистон ва Жанубий Корея божхона делегациялари ўртасида келгусидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларини ифодаловчи Баённома имзоланди. Делегация раҳбарлари навбатдаги ишчи учрашувини Корея Республикасида ўтказиш тўғрисида келишиб олдилар.**

**Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати.**

### Қарор ва ижро

# На ҳужжати, на сифати бор

*Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари талабларини ижро этиш борасида жойларда қандай ишлар амалга оширилаяпти? Ички бозоримизни хориждан келтирилаётган сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш юзасидан қандай тадбирлар кўрилмоқда?*

Самарқанд вилояти солиқ идораларининг ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура қошидаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти ва божхона билан ҳамкорликда кейинги етти ой мобайнида ўтказган тадбирлари натижасида 554 ҳолат бўйича қоидабузарликлар аниқланиб, умумий қиймати 127 миллион 640 минг сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган товарлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Каттақўрғон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Тошкент-Каттақўрғон» йўналишидаги автобусларда текшириш ўтказганларида Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган, ҳеч қандай ҳужжатсиз, акциз маркасисиз 320 шиша алкоголь ичимликлари олиб келинаётганлиги аниқланди. Умумий қиймати 224,6 минг сўмлик бўлган бу маҳсулот Нуробод туманининг Нурбулоқ қишлоғида яшовчи фуқаро Абдурашид Қурбоновга тегишли экан.

Самарқанд шаҳрининг «Мустақиллик» кўчасидаги савдо дўконида импорт кийим-кечаклар сотаётган Шавкат Ҳакимов текширувчиларга бирорта ҳам ҳужжат кўрсата олмади. Шу сабабли дўкондаги мавжуд 21789,5 минг сўмлик маҳсулот вақтинчалик олиб қўйилиб, тегишли тарзда расмийлаштирилди.

Вилоят чегараси — «Юқори нуқта» йўл-патруль хизмати масканида ўтказилган бир қатор текширишлар давомида ҳам истеъмол бозорларимизга турли хил хориж моллари олиб келинаётганлиги аниқланди. Жумладан, навоийлик фуқаро Ю. Собиров Россияда ишлаб чиқарилаётган автомобиль эҳтиёт қисмлари савдосини йўлга қўйишни мақсад қилган эди. Бироқ у 49 турдаги 1398,9 минг сўмлик эҳтиёт қисмларга ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмади.

Яқинда эса ургутлик солиқчилар олинган тезкор маълумотлар асосида туманнинг «Дўстлик» маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Мурод Мардонов уйида текшириш ўтказишди. Бу ерда яширин цех ташкил этилиб, қўлбола ускуналар ёрдамида калиш ишлаб чиқарилаётган экан. Сохта тадбиркор ҳокимликдан тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмаган, давлат солиқ инспекцияси рўйхатидан ўтмаган. Текшириш давомида сотувга тайёрлаб қўйилган, ҳар бирининг нархи 550 сўмлик, жами 345 150 сўмлик 531 жуфт калиш, 60 килограмм майдаланган резина хомашёси, қўлбола усулда ясалган 1 дона калиш ишлаб чиқариш ускунаси, 3 дона калиш қолипи далилий ашё сифатида вақтинчалик олиб қўйилиб, текшириш материаллари Ургут туман прокуратурасига юборилди.

Булунғур тумани марказидаги Амир Темур кўчаси, 30-хонадонда яшовчи фуқаро Фотима Холбекова ҳам сохта тадбиркорликни ўзига касб қилиб олганлардан бири бўлиб чиқди. У ўз уйида ноқонуний макарон цехи очиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларига аллақачон харидор топишга ҳам улгурган эди. 160 килограмм макароннинг ҳар килограммини 210 сўмдан, жами 33600 сўмга сотаётган вақтида солиқчилар унинг сирини очишди. Ф. Холбекованинг бундай фаолият юритиш учун ҳокимликдан рухсатнома, давлат солиқ инспекциясидан қайд гувоҳномаси ва санитария-эпидемиология станциясидан махсус ҳужжат олмаганлигини тан олишдан бошқа иложи қолмади.

«Бизнинг мақсадимиз, биринчи навбатда, мамлакатимизга усти ялтироқ, ичи қалтироқ, сифати паст товарлар, жумладан, истеъмол қилиш муддатлари ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар олиб кирилишига тўсиқ қўйишдир», — деб таъкидлади Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида. Бугун вилоят давлат солиқ бошқармаси ходимлари ана шу йўл-йўриқлар асосида иш юритмоқдалар.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 29 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 597,51 | 1 Миср фунти | 164,01 | 1 Польша злотийси | 248,84 | 10 Жанубий Корея вони | 7,87 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1542,69 | 1 Исландия кронаси | 12,87 | 1 СДР | 1330,04 | 10 Япония иенаси | 80,54 |
| 1 Дания кронаси | 144,09 | 1 Канада доллари | 668,85 | 1000 Туркия лираси | 0,61 | 1 Россия рубли | 31,11 |
| 1 БАА дирхами | 263,45 | 1 Хитой юани | 116,91 | 1 Швейцария франки | 712,02 | 1 Украина гривнаси | 181,41 |
| 1 АҚШ доллари | 967,63 | 1 Малайзия ринггити | 254,67 | 1 ЕВРО | 1069,33 | | |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Танишинг: Президент стипендиати

*— Ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларимдаёқ кимё мутахассиси бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим, — эслайди Гулнора. — Мени бу соҳанинг мўъжизакор оламига етаклаган инсон — қаттиққўл ва меҳрибон устозим Марьям Маҳмудовадир. Барча ўгитлари ва яхшиликлари учун у кишидан умрбод миннатдорман.*

*1991 йилда шаҳардаги 23-мактабни олтин медаль билан тамомлаган Г.Ихтиёрова ўша йилиёқ амалдаги тартибга кўра Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги университет)нинг кимё-биология факультетига суҳбат асосида қабул қилинди. Гулнора учинчи курсдаёқ Органик кимё кафедрасига лаборант вазифасига таклиф қилинди. Бу — илм дунёси сари ташланган дастлабки қадам эди.*

# Гулнорага аталган гуллар

Маълумки, ҳозирги кунда полимерлар кимёси кириб бормаган бирор соҳани топиш мушкул. Бу борада эришилган самарали илмий ечимлар, хусусан, металлургия ва шишасозлик саноатини ривожлантиришда жуда қўл келяпти.

Юқори молекуляр моддалар — полимерлардан тайёрланган пластмасса ва толаларни ҳаётда кўп учратамиз. Аммо улар учун асосий хомашё ҳисобланувчи материалларнинг барча хоссалари бизга яхши маълум эмас. Тажриба кўрсатяптики, бугун, айтайлик, «Навоийазот» корхонасида чиқит ҳисобланадиган акрилл эмульсияси (лак-бўёқ саноати учун муҳим хомашё) синтез қилинса, тўқимачилик соҳасида оҳорлаш ва гул босиш учун жуда асқотаркан. Гулнора ҳозир айни шу масала билан шуғулланмоқда. Номзодлик иши поёнига етиб қолди ҳисоб.

Шу ўринда яна бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчимиз. Ички бозорда "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамияти маҳсулотларига талаб катта. Лекин нархи бирмунча қиммат. Масалан, гулли читнинг ҳар метри 550-600 сўм туради. Ҳолбуки, пахта толасини биздан сотиб олиб, қайта ишлайдиган баъзи давлатларда ушбу газламанинг баҳоси нисбатан арзон: 250-300 сўм атрофида. Нима учун шундай? Сабаблар кўп. Асосий сабаб — газламани оҳорлаш ва гул босиш учун қўлланиладиган қуюқлаштирувчи моддаларнинг катта қисми валюта эвазига хориждан, асосан, Россиядан харид қилинади. Уларнинг ўрнини босадиган маҳсулотни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш мумкин эмасми?

Бухоро давлат университети профессори, полимерлар соҳасида етук мутахассис Олтин Ёриев, доцент Мухтор Омонов ва бошқалар юқоридаги масала устида кўп йиллардан бери бош қотириб келишяпти. Уларнинг изланишлари илмий-техника дастури бўйича давлат грантига сазовор бўлган. Гулнора Ихтиёрова ана шу грант иштирокчиларидан биридир.

Бўлажак олима инглиз тилини пухта ўзлаштирган. Бу борада тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги жуда қўл келди. Интернетда ўз сайтига эга. Кимё оламидаги янгиликлардан доимо хабардор бўлиб боради. Энг муҳими, кўпминг кишилик университет жамоаси ўртасида ўз ўрни бор. Гулноранинг ўзи билан суҳбатлашсангиз, республика танловида ғолиб чиқиш нақадар қийин бўлганлиги ҳақида ҳаяжон билан сўзлайди. Буни тушуниш мумкин.

Дарвоқе, Республика Вазирлар Маҳкамасининг илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказига бешта устувор йўналиш бўйича 41 ёш аспирантдан ариза тушган эди. Энг катта танлов Г.Ихтиёрова иштирок этган энергетика, ресурслар, саноат йўналиши бўйича бўлиб, бу ерда бир ўринга 13 даъвогар тўғри келди. Агарда ахборотлаштириш технологиялари ва бошқарув соҳасида ҳар икки кишидан бири саралаб олингани назарда тутилса, БухДУ тадқиқотчисига нечоғли катта имтиҳондан ўтишга тўғри келганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Она тили, инглиз тили, Президент асарлари, кимё, тарих, компьютер йўналиши бўйича синовларда иштирок этган даъвогарлардан 17 нафарига омад кулиб боқди. Аммо улар энди ҳал қилувчи якуний синовдан ўтишлари лозим эди.

Шундай бўлди ҳам. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК) томонидан ўтказилган сўнгги танлов якунларига кўра, талабгор ёшлардан 5 нафари ёпиқ-яширин овоз бериш йўли билан Президентнинг 2003 йилги давлат стипендиясига лойиқ топилди. Улар орасида БухДУ тадқиқотчиси Гулнора Ихтиёрова ҳам бор. Қувонч ва ҳаяжон оғушидаги аёлнинг бағри анвойи гулларга тўлди, университет раҳбарияти унга янги компьютер совға қилди. Интилганга бахт ва толе ёр, деганлари асли мана шу бўлса керак.

**Эркин ЁДГОРОВ,**
**журналист.**
**Носир ТОШЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**




*Фарғона туманидаги «Қораёнтоқ» қишлоғида янги саломатлик маскани очилди. У 1977 аҳолига тиббий хизмат кўрсатаяпти. Авваллари қишлоқ аҳли тиббий ёрдам учун туман марказига боришга мажбур бўлар эди. Ҳар нима бўлганда ҳам олдингдагисининг қадри бошқача экан. Эндиликда барча қулайликларга эга бўлган маскан қишлоқ аҳлининг жонига аро кирмоқда.*



***СУРАТЛАРДА:** ҳамшира Муҳаббатхон Қаҳҳорова ва тиббий масканнинг умумий кўриниши.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# Аскарлик — йигит шаъни

Ватан ҳимояси чинакам ўғлонлар иши. Уни юракдан ҳис этган кишигина эли, юрти озодлиги учун қалқон бўла олади. Ҳақиқий ҳарбий хизматга отланаётган йигитлар кайфиятини кузатинг, Конституциявий бурчига қанчалик содиқлигини дарров сезасиз. Наманган шаҳар мудофаа ишлари бўлимининг чақириқ манзилига тўпланган бўлажак аскарларнинг кўпи билан суҳбатлашиб, уларда жанговар ҳаётга интилиш жуда-жуда кучлилигини ҳис этдик. Аввало, Қуролли кучлар соҳасидаги ислоҳотлар олға сурилаётган ва унча енгил бўлмаган аскарлик масъулиятини чуқур тушуниб етишган. Боиси, чақирилгунга қадар дастлабки ҳарбий кўникмаларни ўзлаштириб улгурганларида. Махсус комиссия бу гал йигитларнинг нафақат жисмоний етуклигини, балки ҳаётга муносабати, дунёқараши, билимларини ҳам тест усулида синовдан ўтказди. Саволларга тўғри жавоб қайтарган киши мураккаб ҳолатлардан усталик билан чиқиб кета олишини исботлаган бўлади.

— Хизмат муддати қисқартирилгани яхши бўлди. Энди бир йилдаёқ ҳақиқий аскар бўлиб етишамиз, — дейди ҳарбийчасига қаддини ғоз тутган Раҳимжон Шарифбоев. — Олдиндан айтишди, ички ишлар қўшинларида хизмат қилар эканман. Орзуим ҳам шу эди. Асосий муддатни ўтагандан сўнг хизматни шартнома билан давом эттиришни кўнгилга тугиб қўйдим. Буёғини сўрасангиз, энди профессионал армия бўлади, унинг таркибида бўлишни ким ҳам хоҳламайди,

### Баҳорги чақирув

дейсиз.

Шундай кўтаринки кайфият аскарлик либосини кийишга шай турган йигитларнинг барчасида ҳукмрон. Масалан, Обиджон Исоқов ҳаво десанти қўшинларига йўл олаётган экан. Чақириқ олдидан ўн кунлик ўқув — амалий машғулотларини ўтаб, анча-мунча чиниқибди.

Дарҳақиқат, янги таҳрирдаги "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонун қабул қилингандан сўнг Қуролли кучлардаги ислоҳотлар жадаллашди. Хизмат муддатини қисқартириш борасидаги янгиликлар барчага бирдай маъқул тушди. Германия, Польша, Дания, Испания сингари ўн икки ойдан ошмайдиган ҳарбий хизмат жорий этилган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, киритилган ўзгартириш чақириқни танлов асосида амалга ошириш имконини беради. Айтиш мумкинки, етарли тайёргарлик, маълум синов билан армияга йўл олган ўғлон учун ҳарбий хизмат йигитнинг шаъни, ғурурига айланади.

— Маълумки, баҳорги чақириқдан бошлаб хизматнинг сафарбарлик чақируви резерви тури ҳам жорий этилди, бу якка-ёлғиз ўғли бор оилалар учун қулайлик туғдириши табиий, — дейди шаҳар мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Беҳзод Саидғаниев. — Унга чақирилганлар бир ойлик ўқув-амалий машғулотини ўтайдилар, холос. Кейинги муддат учун белгиланган ойлик йиғинлар шаклидаги маблағ бадал сифатида Республика Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига киритилади.

Маълумотларга қараганда, чақирилганларнинг асосий қисми Миллий гвардия ("Қалқон"), чегара ва ички қўшинлар таркибига йўл олишаяпти. Бундан кўринадики, йигитларимизда хизматни номигагина эмас, балки Ватаннинг чинакам ҳимоячиси сифатида ўташга иштиёқ етарли. Уларнинг ота-оналари, маҳалла-кўй, чақириқ комиссиялари биргаликда олиб борган тайёргарлик тадбирларининг самараси бу.

**Улуғбек УМАРОВ.**

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон
УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Г. ПРОХОРЕНКО,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 133-52-55;
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм* — 133-10-17;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15; 132-12-08
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 334, 30179 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — Қ. ЭШМАТОВ.
Мусаҳҳиҳ — Б. ФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди* — 24.50
1 2 3 4 5 6

Хизмат - ҳиммат

# Дўконларда — ўзимизнинг молларимиз

Музробот туманидаги «Бешқўрғон» савдо бирлашмасининг 1-дўкони расталарида 200 хилдан зиёд озиқ-овқат ва саноат моллари териб қўйилган. Муҳими, бу молларнинг учдан бир қисми ўзимизда — Сурхондарёда ишлаб чиқарилган. Туз, макарон, ун, мой, совун ўз йўлига. Дўконда, шу жумладан пойабзал, аёллар кийим-кечаги, ҳунармандчилик ашёлари ҳам бор.

Ялтиллаб турган чарм пойабзал диққатимизни тортади.

— Буни туманимизда фаолият юритаётган «Садриддин» кичик корхонаси ишлаб чиқарган, — дейди сотувчи Раъно Ҳусанова. — Нархи арзон — 7125 сўм. Сифати ёмон эмас. Таги синмайди. Чоклари маҳкам тикилган. Бир кийиб кўрганлар яна олиб кетишяпти.

Қўшни дўконда бўлса Бойсунда ишланган мебеллар сотилмоқда. Шерободдаги «Кулол» ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқарган моллар савдоси ёмон эмас.

— Вилоятимиздаги ва республикамиздаги ишлаб чиқариш корхоналари билан шартнома тузишни йўлга қўйдик, — дейди бирлашма раиси Қаюм Воҳидов. — Икки ой мобайнида улардан 8,5 миллион сўмлик мол олиб келдик. Мижозлар ҳам биздан харид қилишга ўрганмоқдалар.

— Ўтган 2002 йилда туман савдо дўконлари орқали аҳоли жон бошига солиштирма нархларда 52 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатилибди. Бу кам, — дейди туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Йўлдош Кувондиқов мавзуни давом эттириб. — Лекин... 2001 йилда 34 минг АҚШ доллари қийматида мол экспорт қилган «Тербурген» номли қўшма корхонамиз тўхтаб қолди. Уни қайтадан юргизамиз. Тузни қадоқлайдиган яна битта қўшма корхона очамиз. Ўзига дадил кичик корхоналарни пойабзал тикувчилик фабрикалари даражасига кўтармоғимиз керак.

... Харидорнинг қошиқ сўраб келган мурожаатига сотувчи, йўқ деб жавоб қайтаради. Шуни кўриб биз ўйлаймиз: буюртма берилсами, бир ҳунарманд толдан ё теракдан (Музроботда теракдан кўпи йўқ) бир кунда 100 та қошиқ йўнади, ялтиллатиб ранг беради. Бир ишлатишда занглаб қоладиган темир (алюмин) қошиқдан бу минг баробар бежирим ва фойдали. Ёки бўлмаса, чарм камзулни қачон ўзимиз тикамиз деб кунлаб ўтирмасдан супра, кигиз ишлаб чиқариб дўконда сотсак ё темирчилик ашёлари бурчакларини очиб қўйсак, кони фойда эмасми?!

— Бугунги имкониятларимиздан, одамларимизнинг маҳоратидан, тадбиркорликларидан фойдалана билсак, шу дўконнинг камида ярмини ўзимизнинг моллар билан тўлдиришимиз мумкин, — дейди Раъно Ҳусанова.

Ва бу билан у, табиийки, ҳақ гапни айтади.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қорақалпоғистон тарихи француз тилида

Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат университетида Самарқанд чет тиллари институтининг ўқитувчиси Саодат Дониёровнинг француз тилидаги «Қорақалпоқча гаплашайлик» китобининг тақдимот маросими бўлди. Франциянинг «Арматтан» нашриётида чоп этилган китобда қорақалпоқча-французча, французча-қорақалпоқча сўзлик, шунингдек, қорақалпоқ халқининг тарихи, урф-одатлари ҳақидаги мақолаларга кенг ўрин берилган.

**ТУРКИСТОН-ПРЕСС**




# Миллий тарихимиз рассомлар ижодида

Пойтахтимиздаги Марказий кўргазмалар залида Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг ташаббуси билан «Амир Темур ва темурийлар даври рассомлар ижодида» номли кўргазма ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Халқ рассомлари, вазирликлар ва идора ходимлари, Тошкент давлат санъат институти ҳамда Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтининг ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

Тадбирда қатнашган Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси раиси Муҳаммад Али Амир Темур ва темурийлар даврини ранглар орқали маҳорат ила тасвирлаган таниқли рассомларга фахрий ёрлиқлар топширди.

Мусаввирлар кўргазмага қўйилган асарларининг яратилиш тарихи ҳақида йиғилганларга сўзлаб бердилар.

Кўргазмадан ўрин олган Рустам Худойбергенов, Эркабой Машарипов, Азиза Маматова, Зайниддин Фахрутдинов, Малик Набиев, Тўра Курязов ва Содиқ Раҳмонов каби истеъдодли мўйқалам соҳибларининг ижод маҳсуллари томошабиннинг тарихимизга бўлган меҳрини, қизиқишини ва миллий ғururини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Баҳодир ФАЙЗИЕВ.**

# Дуранг ҳеч кимни қониқтирмайди

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг ҳозирги кундаги асосий мақсади — 2004 йили Хитойда бўлиб ўтадиган Осиё кубоги ўйинларига йўлланма олиш. Миллий терма жамоамиз шу йил сентябрь ойида бошланадиган саралаш учрашувларида қитъа биринчилиги финал ўйинлари иштирокчисига айланиш учун Таиланд, Тожикистон ва Сянганга қарши баҳс олиб боради. Бундай имкониятни қўлга киритиш учун эса Равшан Ҳайдаров ва унинг шогирдларидан мусобақага пухта ҳозирлик кўриш талаб этилади.

Миллий терма жамоамиз бугун «Пахтакор» марказий стадионида энг муҳим ўртоқлик учрашувларидан бирини ўтказади. Унинг муҳимлиги шундаки, қитъа биринчилигига жиддий тайёрланаётган терма жамоамиз футболи ривожланган Европа давлатлари билан беллашишни режалаштирган. Буни 2003 йилдаги илк рақибимиз — Белорусь терма жамоаси эканлигидан ҳам билса бўлади. Келаси йили Португалияда ўтказиладиган Европа чемпионатига қатнашишдан умидини узган рақибларимиз билан 2 апрель куни Минскда кечган биринчи ўйинда дуранг натижа қайд этилганди.

Бугунги жавоб учрашувига Белорусь терма жамоаси асосий таркиб билан келган. Буни, аввало, Минскда кечган дастлабки баҳсдан сўнг бош мураббий Эдуард Малофеев журналистларга берган интервьюсида дуранг натижани ўзлари учун лойиқ кўрмаганлиги билан изоҳлаш мумкин, қолаверса, белорусь футболчилари ҳам Тошкентдаги иккинчи учрашув ким кучли эканлигини кўрсатишини таъкидлашган.

Терма жамоамиз бош мураббийи Равшан Ҳайдаровнинг ушбу ўйиндан кўзлаган асосий мақсади таркибни шакллантиришдир. Шунинг учун ҳам Минскдаги учрашувда хорижий мамлакатларда тўп сураётган футболчилар синовдан ўтказилган эди. Бу галги ўйинда эса легионерлар билан бирга миллий чемпионатимиздаги жамоаларнинг ўйинчилари ҳам таркибдан ўрин олишган.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қуёш нуридан қўрқмайдиган ускуна

***«Scarp» корпорацияси махсус фильтрларсиз қуёш қаршисида турган объектларни суратга олиш имкониятини берувчи ускуна яратди.***

***Мутахассисларнинг фикрича, ушбу ускуна билан фотоаппарат, видеокамералардан ташқари туннелларни ёки автомобилларни ҳам жиҳозлаш мумкин. Чунки у ҳайдовчилар туннелдан чиқиш пайтида ўта ёруғлик туфайли кўзлари қамашишининг олдини олиши мумкин.***




# Фақат 500 таси ўрганилган

***Дунёда ҳаммаси бўлиб 5621 тил ва шева бор экан. Ҳозиргача шундан атиги 500 тасигина ўрганилган бўлиб, 1400 тасининг эса йўқолиб кетиш хавфи бор. Ҳар уч тилдан биттаси ёзув шаклига эга эмас. Улар фақат оғзаки нутқ ҳолатидадир.***

«Қашқадарёйўллойиҳа» экспедиция корхонаси жамоаси корхона раҳбари Алаш Ҳамроевга волидаи муҳтарамаси **ТУРСУН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика акциядорлик тижорат банки «Ғаллабанк» раҳбарияти ва меҳнат жамоаси банкнинг Навоий минтақавий филиали бошқарувчиси Салоҳиддин Самадовга отаси **ИСМАТ аканинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва барча оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Республика акциядорлик тижорат банки «Ғаллабанк» раҳбарияти ва меҳнат жамоаси банкнинг Самарқанд минтақавий филиали бошқарувчиси Абдуваҳоб Тамиқаевга отаси **УЛАШБОЙ аканинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва барча оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.